

МЕҲР ВА ҚАДР БОР ЕРДА ҲАММА НАРСА БОР

Тирик, мағрур, ҳақ сўз қуролимиз бўлсин!



2023 йил—Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили

Ассалому алайкум, азиз муштарий!

ЎСТИҚВОЛ ҲОҲИ

Қўштепа туманининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Ватан ягонадир,
Ватан биттадир

1943 йил 6 мартдан чиқа бошлаган

www.istiqbolyuli.uz

istiqbol.43@umail.uz

2023 йил 30 январ № 4 (8446)

Муҳим ахборотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев "Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида" қарор қабул қилди.

Юртбошимиз "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонга имзо чекди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 январь кун Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилишида иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Мавлуд Чавушўглини қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 26-27 январь кунлари давлат ташифи билан Қирғизистонда бўлди.

Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташифи давомида 2006 йил 3 октябрда имзоланган

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Ҳукумати ўртасида имзоланган фуқароларнинг ўзаро бориб-келишлари тўғрисидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Баённома ҳам алмашилди. Бу ҳақда ЎЗА мухбири хабар бермоқда.

Унга кўра, эндиликда Ўзбекистоннинг барча фуқаролари Қирғизистонга, худди шундай Қирғизистон фуқаролари Ўзбекистонга ID-карта орқали киришлари мумкин бўлади (илгари фақат хоризжа чиқиш паспорти билан мумкин эди).

УШБУ
СОНДА:

2

* Фуқаро манфаати ҳолислик ва адолатни талаб қилади
* Эҳтиёжнинг ортиши – тараққиёт тақозоси

3

* Нима учун оилавий ажримлар камаймаяпти?



4

Сабоқ бекати
* Аҳли дониш дейдиларки...
* Ақл-ақлдан қувват олар
* Дунёнинг буюк файласуфлари

Инсон қадрини учун

ЭНГ КАТТА БОЙЛИК ҲАМИША МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ



Бахтимизнинг ўндан тўққизи соғлигимизга боғлиқдир, деган донишманд ҳақни айтган. Дарҳақиқат, ҳам давлатнинг, ҳам оиланинг катта бойлиги бўлмиш саломатлик бор жойда яратиш, интилиш, қувонч, бахт бор. Уни муҳофаза қилиш аввало одамларнинг ўзларига ва, албатта шифокорларга боғлиқдир.

Пандемия даврида ташкил этилган вагонча-шоҳобчаларнинг тўрттаси туманимизнинг тиббиёт муассасалари олисроқ бўлган ҳудудларига ўрнатилиб, фаолият кўрсатмоқда. Малакали хизмат кўрсатиш учун барча қулайликларга эга бўлган "Хумдон" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги тиббиёт пункти 2482

аҳоли саломатлиги муҳофазасига масъул.

—Шоҳобчамизда беморларни қабул қилиш, ҳолатини таҳлил этиш учун имкониятлар етарли,—дейди тиббиёт пункти шифокори Хуршидбек Ғаниев.—Ҳудуддаги ногиронлиги борлар, қариялар, ҳаракати чекланганларни ҳамшираларимиз ҳар ойда

бир марта хабар олиб, зарур ёрдамларни кўрсатадилар, айти пайтда тиббий маданиятни ҳам тарғиб қиладилар.

Суратда: шифокор Хуршидбек Ғаниев, амалиёт ҳамшираси Роҳилахон Қодирова, патронаж ҳамшира Тўтихон Ҳолбековалар қабул пайтида.

Бахтиёржон РЎЗИОХУНОВ

Қарор ва ижро

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИГА ТАЯНИЛСА...

Тараққиёт тобора тезлашиб бормоқда. Аммо содир этилаётган жиноятларнинг ҳар қандай кўриниши, айниқса, коррупция билан боғлиқ жиноят тараққиётнинг кушандасидир. Яқинда Президентимизнинг "Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" қабул қилган қарори ҳам жиноятчиликни камайтиришда жамоатчилик ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган.

Жиноятчиликка қарши кураш йўлида мамлакатимиз миқёсида олиб борилаётган тадбирлар туфайли туманимизда ҳам жиноятчилик бултур аввалги йилдагидан салкам 22 фоизга камайди. Жиноятларнинг салкам тўққиз фоизи коррупцион ҳаракатлар билан боғлиқлиги, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтиришни тақозо этиб турибди.

Туман ички ишлар бўлими мутасаддиларининг ҳокимликнинг кичик мажлислар залида уюштирган брифинги ана шу мақсадга қаратилди. Брифингда туман ички ишлар бўлими бошлиғининг биринчи ўринбо-

сари Илҳомжон Ишонкулов ҳозир бўлган журналист ва жамоатчилик вакиллари жиноятчиликка қарши кураш борасида олиб борилаётган профилактик ишлар, содир этилган жиноятлар, уларнинг таҳлили, айниқса, коррупцияга қарши кураш борасида амал қиладиган қонун ва меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида, самарали фаолият олиб боришда жамоатчилик назоратини йўлга қўйишнинг аҳамияти ҳақида батафсил маълумотлар бериб, ҳамкорликдаги вазифаларга тўхталди.

Брифингда иштирокчиларни қизиқтирган саволларига жавоб бе-



рилди ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишда ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Муносабат

ТАЪЛИМГА БАРЧА
ДАХЛДОР

“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилинган жорий йилимиз ўз номи билан соҳада катта ўзгаришлар бўлишидан дарак бериб турибди.

Давлатимиз раҳбарининг мурожаатномасида қайси соҳа тилга олинмасин кенг таҳлил этилиб, муаммолар ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари, бу борадаги аниқ вазифалар кўрсатиб берилди. Хусусан, асосий урғуни таълим-тарбияни ривожлантиришга, ўқитувчилик касбининг нуфузини оширишга қаратдилар. Таълим сифатини ошириш—янги Ўзбекистон тараққиётининг якка-ю ягона тўғри йўлидир, деб таъкидладилар. Биргина шу хитобда бир олам маъно-моҳият, давлат борлигини биз, соҳа вакиллари дилдан ҳис қилдик.

“...Ушбу соҳада бошлаган ислохотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак”, дейилади мурожаатномада. Шунингдек, ўқувчиларнинг мактабда она тили ва чет тилларини пух-

та ўзлаштириши, компьютер саводхонлиги, касб-хунарга, санъат ва маданиятга қизиқтириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Келгусида она тили ҳамда чет тилларини ўқитиш инновациялашиб, ахборот технологиялари асосида йўлга қўйилиши назарда тутилмоқда.

Очиқ айтаман, бугунги таълим сифатидан биз, ўқитувчиларнинг ҳам кўнглимиз тўлмаяпти. Бунга дарсликлар билан боғлиқ муаммолар, ўқитувчининг нуфузи қандайдир маънода ўрнида эмаслиги, ўзаро талабчанлик бўлашиб кетгани, ота-оналарнинг таълим муассасалари билан алоқаси тўғри йўлга қўйилмагани ва ҳоказолар сабаб бўлаётгани аён ҳақиқат. Агар мурожаатномада кўзланган мақсадлар сари барча баравар ҳаракат қилса, қутилаётган натижага эришиш мумкин. Зеро, таълим ишига барча дахлдордир. Биз кутаётган ёруғ келажак унинг тараққиётига боғлиқдир.

Дилрабоҳон ҲАСАНОВА,
40-умумтаълим мактаби
она тили ва адабиёт фани
ўқитувчиси,
Фарғона давлат
университети
мустақил изланувчиси.

Совуқ ҳаво ҳукмронлик қилаётган ҳозирги кунда аҳолини электр энергияси билан таъминлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Оммавий ахборот воситаларида бот-бот айтилиб келган маълумотлар берилиб, савол-жавоблар олиб борилмоқда. Мақсад—қишни беталафот, соғлиқ-омонликда ўтказиш, аҳолини турли ноқулай вазиятлардан муҳофаза қилиш.

Газетанинг ўтган сонидан эълон қилинган суҳбатда туман электр таъминоти корхонаси тасарруфида мавжуд электр узатиш линиялари, истеъмолчилар ҳақида маълумот берган эдик. Ваъда қилинганидек, бугун қишлоқлардаги ҳолат, муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Яқунланган йил мобайнида корхонамиз томонидан “Каттаболтақул”, “Ғиштмон”, “Лойсон”, “Лангар”, “Йулдошобод”, “Хўжақишлоқ”, “Сойбўйи”, “Қийқи” маҳалла фуқаролар йиғинларида кенг кўламли ишлар амалга оширилди: янги линиялар тортилди, трансформатор пунктлари ҳамда темир бетон таянчлар ўрнатилиб, кабелларга улаш ишлари давом этмоқда.

Ўтган йилда “Обод қишлоқ” дастури доирасида амалга оширилган ишлар, айниқса, аҳамиятли бўлди. Масалан, “Лангар” маҳалласидаги Ҳумо кўчасида юқламини енгиллатиш учун қўшимча бир донна трансформатор пунктлари ўрнатиш ва 1,5 километрлик тармоқ қуриш белгиланган бўлиб, амалда 87 донна темир бетон таянчлар ўрнатилиб ва 2,6 километр узунликда янги тармоқ тортилди, қуввати 160 киловатт трансформатор пунктлари ўрнатилиб, ишга туширилди.

Дастур доирасида, айниқса, “Янгиарик” ҳамда “Лангар” маҳаллаларида йирик бунёдкорлик ишлари олиб борилди.

Умумий олиб қаралганда, дастурлар доирасида жорий йилнинг шу даврига қадар 9 донна трансформатор пунктлари ва 40,5 километр электр узатиш линиялари қурилди. Корхона тасарруфидаги 139,9 километр тармоқ ва 46 донна трансформатор пунктлари муқаммал таъмирланиши белгиланган бўлиб, амалда 141 ки-



лометр тармоқ тортилиб, 51 та трансформатор пунктлари таъмирланди.

Истеъмолчиларни барқарор электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 297 километр ҳаво электр узатиш тармоқлари дарахт шохларидан тозаланиб, жорий таъмирлашдан чиқарилди. Бундан ташқари, туман ҳокимлиги ёрдамида янги корхона ишга туширилаётгани боисидан “Нуррафшон” маҳалла фуқаролар йиғини худудига қуввати 250 киловатт бўлган КТПС русумли трансформатор пунктлари қурилиб, ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 ноябрдаги “Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятлари аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан яратилган шарт-шароитларга ҳам алоҳида тўхталиш керак. “Қийқи” маҳалласининг Сардоба ҳамда Чинортепа кўчаларида, “Шаҳартепа”даги Дўстларобод кўчасида мавжуд шарт-шароитлар тубдан яхшиланиб, қурилиш-монтаж ишлари

қилинишига эришилди. Президентимизнинг ўтган йил 25 октябрдаги 2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ҳам тизимдаги қатор ижобий натижаларга асос бўлди. Ушбу ҳужжат кўрсатмаларига мувофиқ “Деҳқонобод” маҳалла фуқаролар йиғинидаги трансформатор юқламасини енгиллатиш ва аҳоли томонидан ўрнатилган қўлбола таянчларни янгилашга

Ислохот ислохот учун эмас

ФУҚАРО МАНФААТИ ХОЛИСЛИК
ВА АДОЛАТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони қабул қилинди. Бу меъёрий ҳужжат билан 2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқланиб, унинг доирасида одил судловни таъминлашнинг устувор вазифалари белгилаб олинди. Бу вазифалар қуйидаги мақсадларда ўз ифодасини топмоқда:

–“Инсон қадрини учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон қадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш;

–адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш;

–фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юриштишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўйбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш;

–судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш;

–судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашуш ҳолатларининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш;

–суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш;

–судьялар ва суд ходимларида юқсак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга мурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, пировардида эса давлатдан розилик ҳиссини уйғотиш.

Шу билан бирга 2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳара-

катлар дастури тасдиқланиб, масъул идоралар ва вазирликлар белгиланди.

Қисқа муддатли стратегия ва уни амалга ошириш юзасидан қабул қилинган ҳаракатлар дастури давлатимиз томонидан сўнгги йилларда одил судловни амалга оширишни мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишларни ва қабул қилинган бир қатор қонун ҳужжатларини янада мустаҳкамлаб, уларнинг ижросини кенг амалга ошириш учун имкониятларини янада мустаҳкамлаб, уларнинг ижросини кенг амалга ошириш учун имкониятларини янада мустаҳкамлаш ва натижадорлигини ҳам оширади.

Шунингдек, жинойат ишлари бўйича суд қарорлари қонуний, асосли ва адолатли қабул қилинганлигини текширишнинг фуқароларга қулай ва соддалаштирилган тартибининг яратиш мақсадида Олий суд томонидан Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги билан биргаликда янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, унга кўра, туманлараро, туман, шаҳар судлари томонидан биринчи инстанцияда қўрилган ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация тартибидан қайта кўриб чиқиш, ушбу судлар томонидан апелляция ёки кассация тартибидан қўрилган ишларни мазкур судларда тафтиш тартибидан қайта кўриб чиқиш, шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан тафтиш тартибидан қўрилган ишларни Олий суднинг судлов ҳайъатларида тафтиш тартибидан қайта кўриб чиқиш белгиланяпти.

Шунга кўра, юқори инстанция судлари томонидан ишни янгидан кўриш учун қўйи судларга юбориш тартиби бекор қилиниб, уларга иш бўйича якуний қарор қабул қилиш масъулиятини юқлаш юқоридаги қонун лойиҳасида келтирилган. Бу ҳам фуқароларни ортиқча оворасизликдан озод қилади, қарорларни текширишни янада енгиллаштиради.

Дониёрхўжа МАҲАМАТОВ,
Фарғона вилоят маъмурий судининг раиси.

қаратилган тизимли янгиланишлар йўлга қўйилиб, ҳозирда қурилиш ишлари давом этмоқда.

Сўнгги пайтларда туман марказидаги ижтимоий соҳа объектиларини электр энергияси билан таъминловчи “Халқобод” узатмасида юқлама ортган, ўта зўриқиш оқибатида носозликлар тез-тез содир бўлаётган эди. Муаммони бартараф этиш учун “Халқобод” ҳамда “Қоражиёда” маҳаллаларида яшовчи саховатпеша ҳомийлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Шу асосда мазкур шароитда тўлиқ қувватда ишлайдиган янги узатма қурилиб, ишга туширилди. “Халқобод” 6 кВ узатмасидаги юқламанинг бир қисми янги қурилганга ўтказилиб, истеъмолчиларга сифатли электр энергияси етказиб бериш имконияти бир қадар яхшиланди. Аммо аномал совуқ туфайли энергияга бўлган эҳтиёж ортиб кетгани боисидан барча жойлардаги каби таъминотда чекловлар ўрнатилди. Ҳолат ҳамиша назоратимизда бўлиб, бу, аниқ жадвал асосида амалга оширилмоқда.

Бу йилги суронли қиш истеъмолчилар тобора кўпайиб бораётган бир шароитда соҳага дахлдор барчамиз, қолаверса, истеъмолчиларга ҳам катта сабоқ бўлди. Вужудга келган тақчилликларни бартараф этиш учун давлат миқёсида режалаштирилаётган ва қўрилаётган чоралардан кўпчилик хабардор. Ана шу режаларни амалга оширишда биз ҳам бор имконият билан ишлашга ҳаракат қиламиз.

Алибек ЮСУПОВ,
туман электр
тармоқлари корхонаси
бошлиғи.

Расулulloх (с.а.в.) хадисларидан



Буюрилган нарсани тўла-тўқис қилиб, чин дилдан буюрилган кишига берувчи, ишончли муслмон хазиначи—садақа қилувчиларнинг биридир.

Бухорий ва Муслим ривояти.

Шубҳали нарсани ташлаб, шубҳасизини олгин. Чунки ростгўйлик хотиржамликдир. Ёлгон эса шак-шубҳали нарсадир.

Аҳмад, Насойй ва бошқалар ривояти.

Муслмон кишининг ғойибдан биродарига қилган дуоси ижобатдир. Унинг бошида вакил этилган фаишша туриб: “Омин, сенга ҳам унга дуо қилган нарсанг бўлсин”, дейди.

Абу Дардо (розияллоху анҳу)дан Аҳмад ривояти.

Ундай деди, бундай деди, деб гапириб юришни, кўп савол беришни ва молни беҳудага сарф қилишни тарк қил.

Табароний ривояти.

Яхшиликка йўллаб кўювчи киши уни бажарган кабидир. Аллоҳ қийналиб қолганларга ёрдам берувчини яхши кўради.

Ибн Абу Дунё ривояти.

“2002 ҳадис”дан. (Ҳадиси шарифларда обод-ахлоқ зикри). “Мунир” нашриёти. Тошкент—2022 йил.

Saboq bekati



Оз-оздан ўрганиб
доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб
дарё бўлур.
Алишер НАВОИЙ.

Аҳли дониш дейдиларки...

АҚЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ

*Ақл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.*
АЛИШЕР НАВОИЙ

Айтишларича, ўтмишда бир одам бир донога: “Одамларнинг келди-кетдиси жонимга тегди, адолат талаб қилиб келувчилардан безор бўлдим!” деди. Доно эса унга шундай деб жавоб берди: “Иззат тўшагини тарк этиб, мансаб курсисини бўшат! Сенга сўз бериб айтаманки, шундан сўнг сенга ҳеч ким озор бермайди, адолат талаб қилувчиларнинг оёғи тийилади!” Байт:

*Ихтиёри бўлган киши олдиға,
Беихтиёр оқиб келади одам.
Ихтиёри кетган унинг кўлидан,
Келмас ҳеч ким*
унинг олдиға бир дам!

Азизим, жафо кўрган киши сенга арз қилиб, ёрдам сўраб келса, сен асло дилтанг бўлма! Чунки мартаба эгаси табиб ҳукмидадир. Бемор ўзининг барча дардларини табибга айт-маса, табиб унинг касаллиги сиридан воқиф бўлмайди. Натижада шифо шарбатини жафо чекувчига ичиролмайди.

**Хожа Самандар
ТЕРМИЗИЙ**

Қайс ибн Соид ўз ўғлига қилган насиҳатларида айтади: —Эй ўғлим! Шундай масал бор: “Сен бировга зулм этсанг, сенга ҳам зулм қилувчилар бор”. Шу мақолга амал қил, ҳеч кимга зулм қилма. Могу дав-

латдан хазина тайёрламай, илмдан хазина қил. Дўст-биродарларнинг ўзингдан узоқлаштира, ҳар бир ишни маслаҳат билан адо қил!

“ЖОВИДОНИ ХИРАД”

Бир ҳакимдан: “Қандай одам жазога лойиқ?” деб сўрадилар. У эса: “Ҳеч қандай инсон жазога лойиқ эмас. Жазога лойиқ нарсалар ваҳший ҳайвонлар, одамларга зиён етказадиган илон, чаён каби газандалардир. Аммо шундай одамлар ҳам борки, уларнинг вужудида дарранда ва газандаларнинг хислати бўлади. Бундай кишилар қилган зарарларига қараб жазоланади. Бу тариқа кишиларни ҳатто одам, дейиш ҳам ноўриндир!”

*Элга озор берган
ҳар золим киши,
Аслида илону
чаёндан баттар!*
Абулбаракот ҚОДИРИЙ

*Эл ҳақида ғофил
бўлмагин асло,
Чунки эл кўлида
ўтирган ўзинг.
Сендан эл нимани
кўрса бир куни,
Қайтариб кўради*

ўшани кўзинг!
Муиниддин ЖУВАЙНИЙ
**“Машриқзамин—ҳикмат
бўстони”дан.**
**“Шарқ” нашриёт-матбаа
концернининг бош
таҳририяти.**
Тошкент—1997 йил.

Ақл-ақлдан қувват олар

ИНСОФ САРИ—БАРАКА

Халқимиз инсофлилик ва одилликни энг яхши инсоний фазилатдан деб билади, умрининг ҳаёт моддий манфаатнинг баракаси—аввало инсофдандир, деб ҳисобланади. “Инсофи йўқнинг—имони йўқ” (имон—ишонч, бир нарсага ишониб, уни кўнгилда маҳкам тутиш. Ўтмишда имонни бир дарахтга ташбиҳ этганлар. Бу имон дарахтидан бешта шох: инсоф, ҳаё, адолат, шафқат, марҳамат “шох”лари униб чиқади. Кишида мана шу беш фазилатнинг лоақал биттаси бўлса ҳам, унинг имони бор бўлади, бирортаси ҳам бўлмаса—бу унинг имонсизлигидан далолат беради, деб ҳисобланганлар). “Инсофли одам—ошини ер, инсофсиз одам—бошини ер” деган мақол ҳам бор. Бунда инсофлиликнинг яхши самара бериши, инсофсизликнинг эса оқибати ёмон бўлиши ўқтирилган.

“Ҳикматнома”дан.
Тошкент—1990 йил.

Қиш сурати



ҲАЁТИ...

Ал-Мааррийнинг асл исми Аҳмад бўлиб, Суриянинг Маарра шаҳрида туғилиб ўсган.

Аҳмаднинг отаси қозилик вазифасида хизмат қилган. Аҳмадда гўдаклик чоғиданоқ ноёб қобилиятлар намоён бўла бошлаган. У уч ёшида ўқишни

дай деганди: “Қасам ичиб айтаманки, Бағдодга мен бойлик орттириш ва машҳур кишилар билан учрашиш учун келмадим. Мен бу илм меҳварига келиб, унинг ўзим учун номаълум дурдоналаридан баҳраманд бўлишни орзу қилганим”. Аҳмад тез орада ўз ижоди билан Бағдодда шуҳрат қозонди.

Дунёнинг буюк файласуфлари

АЛ-МААРРИЙ АБУЛ АЛА (979-1057)



ўрганиб, шеърлар ёд олган, тўрт ёшида чечак касалига чалиниб, кўзлари кўрмай қолган. Ал-Мааррий 20 ёшга етганда деярли барча фанларни пухта эгаллаган, бир неча фалсафий ҳамда шеърли асарлар тўпламини яратиб улгурган. Аҳмаддаги истеъдод ва ҳақиқатсеварлик уни пойтахтга—Бағдод шаҳрига етаклайди. Мааррий бир дўстига ёзган мактубида шун-

...Ҳикмати

*Эҳтиросларни ким жиповлай билар,
Даёру даврон оша бизни етаклар.*

Баъзан яқинларинг ҳам бегоналар каби қалбингни яралайди. Шундай дамларда Аллоҳдан мадад кут.

Хотиржамлик ёр бўлган кишиларга ҳеч қачон ҳавас қилма. Зеро, уларнинг

умри ҳам чегараланган ва биз ҳаммамиз тасодифларга бўйсунамиз.

Яхшилик қилиш қанчалик қийин бўлса, тубанликка юз тутиш шунчалик осон.

*Бир пайтлар қалбимга
олтидан тамға кўйдим,
Бугун сукут сақлашни
мен олтинга йўйдим.*

Ақлига умидсизлик соя ташлаган одам ўткинчи нарсадан имкон излайди.

*Тиланганга сўнги танганни бергил,
Берганинг оламни айланар кўргил.*

*Хатоларинг оёғинг остига кумдир,
О, тавба-тазарруга етарму умр...*

Мен инсоний ахлоқнинг асл моҳитини англаб етдим. Бу қимматбаҳо неъмат сукут сақламоқликдир.

“Ҳақиқат манзаралари”дан.
“Янги аср авлоди”.
Тошкент—2002 йил.

Билиб кўйган маъқул

САБЗИ

“А” дармондориси етишмаганида одам териси ҳаддан ортиқ қуруқлашади, ҳар хил тошмалар тошиб, сочлар тўкилади. Тирноқлар мўртлашиб, синувчан бўлади. Кучли бош оғриғи, иштаҳасизлик ҳам танада А дармондориси танқислигида кузатилади. Унинг етишмаслиги бепуштликка сабаб бўлиши мумкин. Бу нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар куни А дармондориси “қайнар хумчаси” бўлган сабзи ейиш керак.

Сабзи қабзиятда, бавосил, кўз ва юрак-қон томир хасталигида, айниқса, хафақонда фойдали. Сабзи шираси ёки сутга пиширилгани йўтални босишда, товуш чиқмай қолганида, камқонликда, буй ўсмаслигида ёрдам беради. Терини яра босиши, куйишда ҳам сабзи шираси малҳам. Саратон касаллигини даволашда қадимдан сабзи қўлланилган.

(Давоми бор).
“Ҳидоят” журналидан.

Азиз муштарий! Ҳафтаномамизда улуг аждодларимиз ҳаёти ва ҳикматлари чоп этилаётганлиги учун уни ножоиз ерларга ташламанг!

ISTIQBOL YO'LI

МУАССИС:
КЎШТЕПА ТУМАНИ
ҲОКИМИЯТИ ВА ТАХРИРИЯТ
ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир:
Умидахон ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги
Фаргона вилояти бошқармаси тамонидан
2007 йил 9 январда 12-012 рақами
билан рўйхатга олинган. Бичими А-3

МАНЗИЛИМИЗ:

151111,
Марғилон шаҳар,
Бобур номи маҳалла,
Соҳибқор кўчаси, 4-уй.
Телефон ва факс:
муҳаррир (55) 801-17-54

ГАЗЕТА ТАХРИРИЯТНИНГ

Pentium - IV
КОМПЮТЕРИДА
ТЕРИЛДИ ВА
САҲИФАЛАНДИ.
Дизайнер:
Отабек Ерматов

«Полиграф-Пресс» МЧЖ
босмаҳонасида 3003
нускада чоп этилди.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Манзил: Марғилон шаҳар,
Туркистон кўчаси,
236 «Б» уй.

Нашр кўрсаткичи:

64875

Буюртма № 65

Топшириш вақти 18.00
Топширилди 18.00

Ушбу сонга масъул:

Ҳадичахон КАРИМОВА

ISSN 2010-9253

